

2-Мавзу: **ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ**

РЕЖА:

- 1. Ер ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва уларнинг умумий тавсифи.**
- 2. Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонунлари ер ҳуқуқининг манбалари сифатида.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси қонуности ҳужжатлари ер ҳуқуқининг манбалари сифатида.**

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси модели

<i>Талабалар сони: 97</i>	2-Мавзу, 3-маъруза, 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	1. Ер ҳуқуқи манбалари тушунчаси. 2. Ер ҳуқуқи манбалари таснифи
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Ер ҳуқуқи фанининг манбалари ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
-Ер ҳуқуқи манбалари ҳақида умумий тушунчаларни бериш; -Ер ҳуқуқи манбаларининг таснифини бериш	- Ер ҳуқуқи манбалари тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлади; -Ер ҳуқуқи манбаларининг таснифи тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлади;
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	жамоавий
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
<i>Мониторинг баҳолаш</i>	блиц сўров

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади. Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006.-117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, А. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma.- Т.: TIMI, 2016.-196 б
8. **Земельное право**: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси** , Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг **қонун ости ҳужжатлари**

Интернет ресурслари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Ўтилган мавзунини такрорлаш учун блиц-сўров

1. Ер ҳуқуқини тизими тушунчаси нимани англатади?
2. Ер ҳуқуқини институти тушунчаси нимани англатади?
3. Ер ҳуқуқини тизими қандай институтлардан ташкил топган?
4. Ер ҳуқуқини умумий тизимдаги қайси ҳуқуқлар билан чамбарчас боғлиқ?

Ер ҳуқуқи манбаси тушунчаси нимани англатади ва ўз ичига нималарни олади?

Хар бир фан, ҳуқуқ соҳаси ўз манбаларига эга бўлиб, ушбу манбалар асосида ривожланганидек, мамлакатнинг олий вакиллик органи ҳамда ваколатли давлат ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ер ҳуқуқининг манбалари бўлиб ҳисобланади.

Ер ҳуқуқининг манбалари деганда ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қоида талаблардан иборат бўлган, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигин тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва уни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

“Норматив-ҳуқуқий
ҳужжат тўғрисида”
қонуннинг 2-моддаси

Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ВАКОЛАТИ ҚАЙСИ ОРГАНЛАРГА
БЕРИЛГАН?**

“Норматив-ҳуқуқий
ҳужжат тўғрисида”
қонуннинг 4-моддаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланадилар

**Ер
хуқуқининг
манбаси
сифатида
қаралаётган
хуқуқий
хужжат
қуйидаги
талабларга
жавоб
бериши
керак:**

**Ваколатли давлат органлари томонидан
қабул қилинган бўлиши**

**Белгиланган доирада мажбурий аҳамият
касб этиши**

**Ердан оқилана фойдаланиш ва муҳофаза
қилиш қоида-талабларни белгилаши**

**Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш
муддатлари ва бошқа атрибутларга эга
бўлиши**

Ер ҳуқуқи манбалари таснифи

ЮРИДИК КУЧИ БЎЙИЧА

ҚОНУНЛАР

**ҚОНУНОСТИ МЕЪЁРИЙ
ХУЖЖАТЛАРИ**

**ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИ
ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА**

**ЕРЛАРНИ МУХОФАЗА
ҚИЛИШ ҚОНУНЧИЛИГИ**

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ
ҚОНУНЧИЛИГИ**

**ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
ХОЛАТИ БЎЙИЧА**

МОДДИЙ АҲАМИЯТДАГИ

**ПРОЦЕССУАЛ
АҲАМИЯТДАГИ**

**ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИНИНГ
ҚЎЛЛАНИЛИШИ ДОИРАСИ БЎЙИЧА**

**ҲУДУДИЙ-
МИНТАҚАВИЙ**

**РЕСПУБЛИКА
МИҚЁСИДА**

**ХАЛҚАРО
МИҚЁСДАГИ**

Ер қонунчилик ҳужжатлари нимани таъминлайди?

Ер қонунчилик ҳужжатларининг таъминлаш сохалари

биринчидан,
табиатнинг устувор қонунларини жамият - давлат қонунчилик ҳужжатлари билан мужассамлантиради

иккинчидан, ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва кафолатлашда бошқа ҳуқуқ сохалари яъни конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кабиларининг қонунчилик ҳужжатлари қоида-талабларидан унумли фойдаланади



ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҚАНДАЙ НОМЛАНГАН?

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида” қонуннинг 5-моддаси

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- 6) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- 7) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари

Ер ҳуқуқининг манбалари мураккаб тизимга эга бўлганлиги сабабли ўзлаштириш осон бўлиши учун биз уларни мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб учта асосий қисмга ажратамиз:

**ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ
ТИЗИМИ**

```
graph TD; A[ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ ТИЗИМИ] --> B[Ер ҳуқуқининг конституциявий асослари]; A --> C[Ўзбекистон Республикасининг ер соҳасига оид қонунчилик тизими]; A --> D[Ўзбекистон Республикасининг ер соҳасидаги қонуности меъёрий ҳужжатлари тизими];
```

**Ер ҳуқуқининг
конституциявий
асослари**

**Ўзбекистон
Республикасининг ер
соҳасига оид
қонунчилик тизими**

**Ўзбекистон
Республикасининг
ер соҳасидаги
қонуности меъёрий
ҳужжатлари тизими**

ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ ТИЗИМИ

```
graph TD; A[ЕР ҲУҚУҚИ МАНБАЛАРИ ТИЗИМИ] --> B[ЕР ҳуқуқининг конституциявий асослари]; A --> C[Ўзбекистон Республикасининг ер соҳасига оид қонунчилик тизими]; A --> D[Ўзбекистон Республикасининг ер соҳасидаги қонуности меъёрий ҳужжатлари тизими];
```

ЕР ҳуқуқининг
конституциявий
асослари

Ўзбекистон
Республикасининг ер
соҳасига оид
қонунчилик тизими

Ўзбекистон
Республикасининг
ер соҳасидаги
қонуности меъёрий
ҳужжатлари тизими